



**БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШМАСАЛАЛАРИ
(МАЛАЙЗИЯ, КОРЕЯ ҲАМДА СИНГАПУР ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАЛАРИ
АСОСИДА)**

Бадалова Мақсуда Умаровна

A.Авлоний номидаги ИТИ

ММТБ мудири

umaksuda_69@gmail.com

+ 998 90 990 02 80

Шарипов Ўткир Ҳикматуллаевич

A.Авлоний номидаги ИТИ

катта илмий ходими

utkir_84@mail.ru

+ 998 99 706 12 40

Аннотация: Уибу мақола бугунги кунда таълим соҳасида дунёда етакчи ўринларда турувчи Малайзия, Корея ҳамда Сингапур давлатлари бошлангич таълим сифатини баҳолашининг самарали механизmlарини ўрганишига бағишланган. Маълумотлар халқ таълими соҳаси бошлангич таълим сифатини баҳолаш механизmlари билан солишиширилиб қиёсий таҳлил қилинган. Аниқланган маълумотлар асосида таклиф ва хуносалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бошлангич таълим, сифат, баҳолаш, ёш, вақт, фан.

Кириш

Президентимиз таъбири билан айтганда, «... келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги қуни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ».

Бугунги замонавий жамиятда инсон фаолиятининг энг кенг соҳаларидан бири - бу таълим ҳисобланади. Охирги йилларда таълимнинг ижтимоий роли ортиб, дунёning аксарият давлатларида таълимнинг барча турларига бўлган муносабат ўзгарди.

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг мазмуни таълим тараққиётини энг юқори босқичларга, илгор хорижий мамлакатлар таълими даражасига кўтариш, жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишдан иборатdir. Мақолада шу нуқтаи назардан Малайзия, Корея ҳамда Сингапур давлатлари бошлангич таълим тизимидағи баъзи жиҳатларни таҳлил қилишга эътибор қаратилган.

Малайзияда:

Малайзиядаги мактаб тузилиши Ақш, Буюк Британия ва Европанинг аксарият қисмидаги тузилмалар билан деярли бир хил. Бошлиғич таълим 6 ёшдан 11 ёшгача, яъни олти йилни ташкил қиласиди.

Малайзия қонунчилигига асосан мамлакатда истиқомат қилувчи Малайзия фуқароси бўлган ҳар бир ота-она, агар унинг фарзанди жорий ўқув йилининг биринчи январ кунида олти ёшга тўлган бўлса, у бола ўша йили бошлангич мактаб ўқувчиси сифатида рўйхатга олинишини таъминлаши керак. Буни бузган ота-она ҳукуқбузарликда айборд бўлиб, жаримага тортилиши ёки олти ойдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиши мумкин.

Мактабда ўқув йили икки семестрга бўлинган бўлади. Биринчи семестр январ ойининг бошида бошланади ва май ойининг охирида тугайди; иккинчи семестр июн ойининг бошида бошланади ва ноябрда тугайди. Дарслар 7.30 дан бошланади ва соат 12.30 ёки 13.00 гача давом этади.

Бошлангич мактабларда мажбурий ўқитиладиган фанлар 10 та ва булар қуйида келтирлган:

- Малай тили;
- Инглиз тили;
- Математика;
- Табиий фанлар;
- Диний таълим;
- Мусиқий таълим;
- Саломатлик ва жисмоний тарбия;
- Санъат;
- Фуқаролик ва фуқаролик таълими;
- Маҳаллий тадқиқотлар;
- ихтиёрий фанлар²².

Малайзияда баҳолашнинг 5 тури бор:

- Сумматив баҳолаш (сиз билганингизни билиш) ...
- Форматив баҳолаш (билмаган нарсангизни билиш) ...
- Диагностик баҳолаш (бўшлиқ мавжудлигини билиш) ...
- Бенчмаркинг баҳолаш (қандай қилиб солиштирганингизни билиш)
- Доимий баҳолаш (қандай кузатаётганингизни билиш)

Баҳолаш шкаласи / тизими:

Малайзияда баҳолаш тизими қуйидаги жадвалда акс эттирилган тарзда ишлайди, баҳолар қуйидагича тақсимланади:

| Баҳо шакли | Баллар | Тавсифи |
|------------|--------|----------------------------|
| A | 70-100 | Биринчи синф |
| B+ | 60-70 | Иккинчи синф (Юқори бўлим) |
| B | 50-60 | Иккинчи синф (Қўйи бўлим) |
| C | 40-50 | Учинчи синф |
| F | 0-40 | Муваффақиятсиз |

Бошлангич таълим икки босқичга бўлинади – 1-босқич (1-3-синф) ва 2-босқич (4-6-синф). Биринчи босқичда асосий эътибор кучли ўқиш, ёзиш ва арифметика

²² http://www.ibe.unesco.org/fileadmin/user_upload/archive/Countries/CountryDossier/timetables/Tmala ysia.pdf

кўникмаларини эгаллашга қаратилган. 2-босқичда ушбу кўникмаларни эгаллаш мустаҳкамланиб, мазмун ва асосий фан бўйича мустаҳкам пойдевор яратишга ётибор қаратилади²³.

Қонунга кўра, бошланғич таълим олтинчи йилининг охирида ўқувчилар Боншланғич мактаб муваффақияти тести (ULAN PEncapaian Sekolah Renda (UPSR)) деб аталадиган умумий имтиҳондан ўтишлари керак.

UPSR – ўқувчиларнинг Малай тили ва ёзувини тушуниши, инглиз тили ва ёзувини тушуниши, фан ва математикани баҳолаш орқали ўрта мактабга боришга тайёрлигини текширади. Хусусан, Хитой мактаблари ўқувчилари хитой тилида ёзиш ва тушуниш бўйича синовлардан ўтишни танлаши мумкин, ёки Тамил мактаблари ўқувчилари тамил тилида ёзиш ва тушуниш бўйича синовлардан ўтишни танлаши мумкин.

Кореяда:

Мактабларда ҳафтасига 5 кунлик ўқиши жорий қилинган. Боншланғич таълим 6 йил ва ўрта таълим 3 йил. Ҳар бир фуқаро мажбурий таълим олиши шарт.

Ўқув йили 170 кун ёки 34 ҳафтани ташкил қиласиди, ҳар бир дарс 40 минут давом этади.

Кореяда ўқув йили мартдан февралгача давом этади. Умумтаълим мактаблари икки мавсумда ўқитилади: баҳорги мавсум ва кузги мавсум. Баҳорги мавсум 1 мартдан бошланиб 30 июнда тугайди. Август ёзги таътил ойига тўғри келади.

Кузги мавсум сентябр ойида бошланади ва февралда тугайди, бир ярим ойлик қишки таътил декабр ойининг ўрталарида бошланиб, январ ойининг охирида тугайди²⁴.

Таълимнинг биринчи босқичи бошланғич синфлар 1-6-синфларни ўз ичига олади. Боншланғич синфларда қуйидаги 6 та фан мажбурий ўқитилади:

- Корейс тили
- Ижтимоий фанлар
- Математика
- Жисмоний тарбия
- Мусиқа
- Тасвирий санъат

Ўқув йили 1-март Корея Республикасида давлат байрами муносабати билан 2-мартдан бошланади. 6 йил давом этадиган бошланғич таълим мажбурий этиб белгиланган. Боншланғич таълимда 1 йил икки семестрга бўлинган ҳолда олиб борилади. Дарслар соат 8.00 да бошланади ва ҳар бир дарс 40 дақиқа давом этади. Боншланғич ва ўрта мактабларда баҳолар корейс тилидаги белгиларга асосланади, масалан: "수"- "Ажойиб" ёки "영"- "Яхшилаш керак" деган маъноларни англаради.

Штат ва маҳаллий ҳокимиятлар ўқувчилар teng даражада таълим олишлари учун минтақалар ўртасида ўқитувчиларга бўлган талаб ва таклиф каби таълим шароитидаги тафовутни минималлаштириш сиёсатини амалга оширади²⁵.

²³ https://www.schoolmalaysia.com/resources/public_schooling.php

²⁴ <http://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/103005/124788/F-1993514801/KOR103005%20Eng.pdf>

Сингапур:

Сингапурда бошланғич мактаб таълими олти йил давом этади (1-синфдан 6-синфгача). Бошланғич мактабларда ўқувчилар 7 ёшдан 12 ёшгача бўлиши шарт.

Сингапур бошланғич мактаб ўқув дастури асосида дарслар олиб борилади.

Сингапур бошланғич мактаб ўқув дастури учта жихатга:

- фанга асосланган таълим;
- билим кўникмаларига асосланган;
- характерни ривожлантиришга қаратилгандир.

Ўқувчилар бошланғич мактаб йилларида қуйидаги фанларни ўрганадилар:

- инглиз тили
- она тили
- математика
- табиатшунослик
- санъат
- мусиқа
- жисмоний тарбия
- ижтимоий тадқиқотлар
- характер ва фуқаролик таълими

Ўқувчиларнинг 4-синфдаги имтиҳон натижаларига кўра, мактаб уларга 5 ва 6-синфларда топширишлари учун мос фанлар бирикмаларини таклиф қиласди. Ўқувчилар 6-синфда бошланғич мактабни битириш имтиҳонини топширадилар. Бундан ташқари, барча бошланғич синф ўқувчилари Сингапурда лойиҳа иши, биргаликдаги ўқув фаолияти ва фаол ўрганиш дастурларида иштирок этиши керак²⁶.

Аввалроқ Сингапурдаги бошланғич мактаблар "Achievement band" бўйича баҳолаш тизимиға амал қиласди. Ҳозирда, тизим тўхтатилди ва баҳолаш тизими янада қулайроқ "Умумий баҳо" схемаси бўйича қўлланилади. (Ўрта мактаблар Сингапурда ўқув фанлари учун "Умумий баҳо" баҳолаш тизимини жорий қиласди биринчи муассасалардир.)

Ушбу схема бўйича ўқувчилар қуйидаги тарзда баҳоланадилар²⁷.

3 ва 4 синфлар:

| Grade | Percentage |
|--------|---------------|
| Band 1 | 85% and above |
| Band 2 | 70% to 84% |
| Band 3 | 50% to 69% |
| Band 4 | Below 50% |

5 ва 6 синфлар:

| Grade | Percentage |
|-------|---------------|
| A* | 91% and above |

²⁵ <http://www.ilo.org/dyn/natlex/docs/ELECTRONIC/103005/130197/F247736535/KOR103005%20Kor.pdf>

²⁶ <https://educationdestinationasia.com/essential-guide/singapore/primary-school-education-system-in-singapore>

²⁷ <https://www.singaporeeducation.info/education-system/grading-system.html>

| | |
|---|------------|
| A | 75% to 90% |
| B | 60% to 74% |
| C | 50% to 59% |
| D | 35% to 49% |
| E | 20% to 34% |
| U | Below 20% |

Ҳафтасига 5 кунлик ўқиши жорий қилинган. Дарслар 30 дақиқа давом этади. Ўқув йили январ ойида бошланади ва 40 ҳафта давом этади.

Дарслар 2 семестрга бўлинган ҳолда ўтилади.

- 1-семестр: Январ ойининг бошида бошланади ва май ойида тугайди;
- 2- семестр: Июлда бошланади ва ноябрда тугайди.

Яхши тартибга солинадиган Сингапурда мактаб таълими устувор ҳисобланади ва асосий ғарб моделига амал қиласди. Бошланғич таълимнинг дастлабки 4 йили умумий ўқув дастурига эга пойdevor босқичини ташкил қиласди. Кейинги 2 йиллик йўналтириш босқичида ўқувчилар ўқиши қобилияtlари ёки қийинчиликларига қараб ҳар бир мавзу бўйича ўқитилади. 2003 йилдан бошлаб “Мажбурий таълим тўғрисида”ти қонунга мувофиқ бошланғич таълим мажбурийдир²⁸.

Таълим вазирлиги тасарруфидаги мактабларда бошланғич таълим барча Сингапур фуқаролари учун бепул. Бироқ, ота-оналарга таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган кичик "турли" тўловлар олиниади. Ушбу тўловлар форма, транспорт ва мактаб материаллари учун харажатларга қўшимча ҳисобланади.

Сингапурдаги бошланғич мактабларда битта ўқитувчи томонидан дарслар ўқитилади ва ўқувилар сони нисбатан кам. Баъзида ўқитувчи ёрдамчилари мавжуд. Сингапурдаги бошланғич мактабларда мусиқа таълими ёки жисмоний тарбия каби болаларнинг қизиқишлари ва фаолиятини қондириш учун имкониятлар ҳам мавжуд.

Хуносас:

1. Бошланғич синфлар Малайзия, Корея ҳамда Сингапур давлатларида 6 йилни ташкил қиласди, яъни 1 синфдан 6 синфгача. Республикамизда бошланғич синфлар 4 йил яъни 1 синфдан 4 синфгача ўқитилади.

2. Ўқув йили мамлакат жойлашган худуддан келиб чиқиб Малайзия ва Сингапурда январ ойидан бошланиб, ноябр ойида тугайди, Кореяда ўқув йили мартдан февралгача давом этади. Мамлакатимизда ўқув йили сентябрдан майгача давом этади.

3. Малайзия ва Сингапурда бошланғич синфлар учун ўқув йили 40 ҳафта давом этади, Корея ҳамда Ўзбекистонда 34 ҳафтани ташкил қиласди, Республикамизда 1 синфлар 33 ҳафта ўқийди.

4. Ўрганилган давлатлар, жумладан Ўзбекистонда ҳам бошланғич синфлар ҳафтасига 5 кун ўқийди.

5. Дарслар Корея ҳамда Малайзияда 40 дақиқа, Сингапурда 30 дақиқа, Республикамизда 45 дақиқа давом этади.

²⁸ <https://www.scholaro.com/db/Countries/singapore/Education-System>

6. Малайзия ҳамда Ўзбекистондаги бошлангич синфларда 10 та фан мажбурий ўқитилса, Корея ва Сингапур давлатларида 6 та фан мажбурий ўқитилади.

7. Бахолаш тизими бўйича Малайзия ва Сингапур давлатларида алоҳида тизим яратилган бўлиб, Корея бошлангич ва ўрта мактабларида баҳолар корейс тилидаги белгиларга асосланади.

Қўйидаги таклифларни билдириш мумкин:

1. Ўқувчилар ёшини инобатга олган ҳолда дарслар ўртасидаги танаффусни халқаро тажрибаларга суюнган ҳолда 15 дақиқагача давомийлигини чўзиш ва турли кўнгил очар ўйинларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бу тизимни яратиш орқали навқирон ёшдаги болаларни ҳам жисмоний, ҳам руҳий қувват бериш имконини яратиш мумкин;

2. Синфларда болалар сонини камайтириш, яъни максимум 20 нафар қилиб белгиланиши, ўқувчиларнинг фикрини дарс мавзусидан чалғиши ҳолатларини олдини олишга замин яратади ва бу таълим сифатига ўз ўзидан ижобий таъсир этиши мумкин; иккинчидан мактабларда ўқувчилар сонини камайтириш орқали максимал 300-400 нафар қилиб белгиланиши ёки йирик мактабларни бўғинларга бўлиш бошқариш тизимини оптимал даражада назорат қилиш имконини беради;

3. Бола тарбиясида ва мактабда олаётган таълим жараёнларида Ота-оналар иштироки ва уларнинг масъулиятини ошириш масаласини ҳар бир таълим муассасасининг тасдиқланган сиёсатини асосий йўналишига айлантириш лозим ва таълим сифатини оширишга таъсир этувчи асосий омиллардан бири сифатида мезонлар таркибига киритиш таклифини бериш мумкин.